

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST ЎТМИШГА НАЗАР

АМУДАРЁ ҲАВЗАСИ ҲУДУДЛАРИГА УРБАНИСТИК ЖАРАЁННИНГ ХРОНОЛОГИК КЕТМА-КЕТЛИКДА КИРИБ КЕЛИШИ ВА УЛАРНИНГ ХАРАКТЕРИСТИКАСИ

Эгамбердиева Нигора Азадовна,
Низомий номидаги ТДПУ докторанти,
доцент, тарих фанлари номзоди

For citation: Egamberdieva Nigora. The origin of urban processes on territory of Amudarya basin and their characteristics. Journal look to the past. 2019, vol. 1, issue 8, pp. 11-17.

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-8-2>

Келиб тушган сана 5 июль, 2019
Эълон қилинган сана 10 сентябрь, 2019

АННОТАЦИЯ

Мақолада Бақтрия, Суғдиёна ва Хоразм ҳудудларидаги илк урбанизация жараёнларининг бошланиши таҳлил қилинган. Урбанизация жараёнлари Бақтрияда бронза давридан, Суғдиёна ва Хоразмда илк темир давридан бошланган. Суғдиёнада ва қадимги Хоразмнинг ғарбий қисмида чорвадор қабилаларнинг ўтроқлашуви натижасида урбанизация жараёни шаклланган. Жанубий Хоразм ва Амударёнинг ўнг соҳилида деҳқон ва ҳунармандлар илк шаҳарларга асос солганлар.

Калит сўзлар: урбанизация, бронза, цивилизация, Бақтрия, Ёзтепа, Суғдиёна, Афросиёб, Кўктепа, Хорезм, Куйисой, Кўзалиқир.

ПРОИСХОЖДЕНИЯ УРБАНИСТИЧЕСКИХ ПРОЦЕССОВ НА ТЕРРИТОРИИ АМУДАРЬИНСКОГО БАССЕЙНА И ИХ ХАРАКТЕРИСТИКА

Эгамбердиева Нигора Азадовна,
докторант ТГПУ им. Низоми,
доцент, кандидат исторических наук

АННОТАЦИЯ

В статье анализируется начальное происхождения урбанизации на территориях Бактрии, Согдиане и Хорезма. Урбанизационный процесс в Бактрии начался с эпохи бронзы, Согдиане и Хорезме с раннего железного века. Согдиане и западных районах древнего Хорезма урбанизационный процесс начался в результате перехода скотоводов на оседлый образ жизни. В южном и правобережном Хорезме земледельцы и ремесленники основывали ранних городов.

Ключевые слова: урбанизация, бронза, цивилизация, Бактрия, Язтепа, Согдиана, Афрасияб, Коктепа, Хорезм, Куйсой.

THE ORIGIN OF URBAN PROCESSES ON TERRITORY OF AMUDARYA BASIN AND THEIR CHARACTERISTICS

Egamberdieva Nigora,

Doctorant of Tashkent State Pedagogical University,
PhD in History

ANNOTATION

In the article, analyzed the origin of urbanization on territories of Baktriya, Sagdiyana and Kharezem. Urban process in Baktriya started from bronze era, in Sagdiana and in Khorezm started from early iron era. In Sagdiana and in the western regions of ancient Khorezm urban process started in a result of transition of breeders to the settled life. In south and right side regions of ancient Kharezem farmers and craftsmen had found early cities.

Key words: urbanization, bronze, civilization, Baktriya, Yaztepa, Sagdiana, Afrasiyab, Koktepa, Khorezm, Kuyisoy.

Амударё ҳавзасининг юқори ва ўрта оқимларида урбанизацион жараён Қадимги Шарқ цивилизациясининг таъсирида бронза давридан бошланган [1,275]. Бу ўзига хос урбанизацион жараён Ўрта Осиёнинг жануби-ғарбидан бошланиб, шимоли-шарқ томонга силжиб, кенгайиб борган. Дастлаб мил. авв. II минг йилликнинг иккинчи ярмида Парфия, Марғиёна, Бақтрияда кузатилган бўлса, унинг таъсирида мил. авв. VII-IV асрлар давомида Суғдиёна ва Хоразм ҳудудларида кузатилган. Суғдиёнанинг учта ҳудудида урбанизация жараёни турлича кечган. Жанубий Суғдада урбанизация жараёни мил.авв. IX-VI асрларда юз берган бўлса, марказий Суғдада мил. авв. VII-V асрларда, ғарбий Суғдада мил. авв. V-IV асрларда юз берган[1,276].

Қадимги Бақтрия ҳудудида бронза давридаги ўзига хос урбанизацион жараёни А.П.Франкфор “Окс цивилизацияси” деб атаса, В.И.-Сарианиди уни “БМАК, яъни Бақтрия–Марғиёна археологик комплекси” тушунчаси билан ифодалайди. Тадқиқотчилар БМАКнинг учта локал- Копеттоғ, Мурғоб ва Дашли-Сополли тармоғини аниқлаганлар [2,111]. Окс цивилизацияси қадимги Бақтрия ва Марғиёна ҳудудларидаги Шўртуғай, Даштли, Номозгоҳтепа, Олтинтепа, Келели, Гонур, Тўғолоқ, Аучин, Тоҳирбой-3, Саразм, Сополлитепа, Жарқўтон ёдгорликлари мисолида тадқиқ қилинган. Лекин бу йирик шаҳарлар илк темир даврида кўчманчи чорвадорлар кириб келган даврдан сўнг барҳам топган. Лекин бу урбанизациясининг барҳам топиш сабаблари номаълум, ёдгорликларда жанг излари кузатилмаган. Бу даврда Окс цивилизациясининг сўнгги босқичи Номозгоҳ V ва VI маданиятлари ўрнини кўчманчиларга хос бўлган қўлда ишланган “нақшли сопол” маданияти эгаллаган. “Нақшли сопол” маданияти мил. авв. X-VIII асрлар давомида Марказий Осиё ҳудудларида тарқалган. Жарқўтон Арк майдонидан, Кучук I, Қизил I, Тилла I, Кўктепа, Афросиёб, Ерқўрғон каби ёдгорликлардан, умуман Жанубий Ўзбекистон ҳудудларида 40тадан ортиқ ёдгорликларда топиб ўрганилган[3,10].

“Нақшли сопол” маданиятининг қаердан тарқалганлиги масаласи тадқиқотчилар ўртасида мунозара мавзуси ҳисобланади. Лекин бу маданиятнинг моддий буюмлари турар-жой массивлари, ертўллари, ғалла ўралари, чархсиз қўлда ишланган рангли нақшли сопол идишлари, қайроқтошдан, бронзадан ясалган ўроқсимон пичоқлари ва бошқа моддий ашёлари Чуст маданиятига ўхшашлиги масаласи дастлаб А.Асқаров томонидан аниқланган[1,182]. Бу “Нақшли сопол” маданиятининг шарқдан ғарб, шимол, жануб томонларга тарқалганлигини илгари сурса, бошқа фикр бўйича маданият ғарбдан шарққа ва шимолга тарқалган деб кўрсатишади. Жумладан, В.И.Сарианиди Хуросондан Афғонистондаги Мундигак, Тиллатепага, ундан жанубий Ўзбекистон ҳудудидаги Кучуктепа ва Бандихонга борган деган фикрни илгари сурган [4]. Лекин кейинги йилларда шарқий Туркистондаги Синьцзян ёдгорлигидаги сопол идишлар чуст маданияти билан боғлиқ эканлиги аниқлангач, “Нақшли сопол” маданиятининг шарқдан ғарбга тарқалганлиги яна бир бор ўз исботини топган[2,126].

Амударё ҳавзаси ҳудудларида сўнгги бронзадан илк темир даврига ўтиш давридаги “нақшли сопол” маданиятини археологлар Ёз I маданияти асосида ўрганганлар. Ундан кейинги даврлардаги ривожланиш эталони ҳам Ёзтепа асосида таҳлил қилинади. Худди шу Ёз II даврдан Бақтрия ҳудудларида иккинчи урбанизацион жараён бош-

ланган. Л.И.Сверчков асарида Ёз II маданиятининг икки босқичи аниқланган: Ёз IА мил.авв. X–IX/VIII асрлар ва Ёз IБ мил.авв. VIII/VII–VI асрларни ўз ичига олган. Ёз IА Тиллатепа, Кучуктепа II, Бектепа ертўласи, Карим-Берди ёдгорликлари мисолида, Ёз II Б даври Ёзтепа II, Кучук III ва бошқа жанубий Ўзбекистон ва шимолий Афғонистоннинг бошқа ёдгорликлари асосида тадқиқ қилинган[2,134].

Қадимги Бақтрияда илк темир даврида “нақшли сопол” маданияти аҳолиси томонидан ўзлаштирилган ёдгорликлар мустақкам қалъа-қўрғонларга айлантирилган. Бу иккинчи урбанизацион жараён ҳисобланиб, бу даврда Кучуктепа, Бандихон, Ғозимулла, Миршоди, Қизилтепа, Қизилча ва бошқа ёдгорликлардеҳқончилик воҳаларининг марказий қалъаларга айлантирилган.

Қадимги Суғдиёнанинг урбанистик жараёни чорвадор қабилаларнинг ўтроқлашуви билан боғлиқ ҳолда кечган. Зарафшон ва Қашқадарё дарёлари бўйларида яшаган маҳаллий сак қабилалари илк темир даврига келиб, секин-аста ўтроқ ҳаётга ўта бошлаганлар [1,193]. Қадимги даврнинг йирик шаҳарлари Кўктепа, Афросиёб, Ерқўрғон, Сангиртепа, Узунқир, Даратепа ва бошқа ёдгорликларнинг қуйи қатламидан содда нақшли қўлда ишланган сопол идишлар топилган[5,113]. Илк темир даврида Афросиёбнинг мудофаа девори гуваласимон хом гиштлардан қурилган. Гиштларга “8” рақамига ўхшаш белги қўйилган. Худди шундай гиштлар Кўктепа ёдгорлигидан топилган. Кўктепа ёдгорлиги баланд платформа устига қурилиб, қалъанинг катта майдони бўш бўлган, яъни ҳеч қандай бино излари топилмаган.

Ўтроқлашган чорвадор аҳолининг излари жанубий Суғднинг 32 та жойидан, жумладан, Яккабоғ, Танхоздарёларнинг қуйи ҳавзалари, Чимқўрғон сув омбори соҳилларидаги Жартепа 2, Чироқчитепа, Ерқўрғон, Даратепа, Узунқир, Сангиртепа ва Тўрткўлттепанинг қуйи қатламларида аниқланган. Сангир I, Узунқир I мил. авв. IX асрнинг охири-VIII асрларга тўғри келиб, бу қалъалар ўша даврда аҳоли томонидан ўзлаштирилган. Бу даврда аҳоли сопол идишларни қўлда ясаганлар. Улар ярим доира шаклида бўлиб, ички ва ташқи томонлари қизил-жигарранг ангоб билан бўялган[6,3–16].

Сангир II ва Узунқир II босқичида (мил. авв. VII-VI асрлар) чархда ясалган сопол идишлар пайдо бўлади. Цилиндроконус шакли хум ва хумчалар, тоғора ва биконик шаклдаги косалар топилган. Баъзида уларнинг гардиши айланаси бўйлаб тиниқ жигарранг ангоб берилган. Хум ва хумчалар тўлқинсимон ёқали ишланган. Даратепа ёдгорлиги Яккабоғ тоғлари ёнбағирларида жойлашган. Ёдгорлик мил. авв. VI-IV асрларга тегишли бўлиб, унинг арки ва шахристони аниқланган[7,14-15].

Узунқир, Сангиртепа ва Даратепалар Жанубий Суғднинг илк шаҳарлари бўлиб, улар жанубий Суғднинг ҳарбий истеҳкомлари, ҳунармандчилик марказлари ва савдо-сотиқ учун аҳамиятига молик шаҳарлари ҳисобланган[1, 205].

Қадимги Хоразмда урбанизацион жараён мил.авв. VII асрнинг охирлари-VI асрнинг бошларидан бошланган. Бу жараён мил.авв. X-VIII асрларда жанубий Оқчадарё дельталари бўйларида тарқалган Амиробод маданияти билан боғлиқ бўлмаган ҳолда кечган. Амирободликлар чайла, ярим ертўлаларда истиқомат қилганлар, сопол буюмларни қўлда ясаганлар. Хўжалигининг асосини ибтидоий қаир деҳқончилиги ва яйлов чорвачилиги ташкил этган. Мил.авв. VIII-VII асрларда жанубий Оқчадарё дельталари қурий бошлаган, бу эса амирободликларнинг турмуш тарзини ўзгартириб, чорвачиликка ўтишига сабаб бўлган[8,115].

Мил.авв.VIII-VII асрларда Сариқамиш ҳавзаларида сувнинг кўпайиши, бу ҳудудда турли этник гуруҳларнинг тўпланишига имкон яратган. Бу ерда ярим ўтроқ чорвадорлар маданияти - Қуйисой маданияти шаклланган[9]. Бу маданият мил.авв. VIII-V асрларга оид бўлиб, аҳолиси ярим ертўла, чайлаларда яшаб, чорвачилик, лалмикор деҳқончилик, ҳунармандчиликнинг — металлургия, кулолчилик, суякка ва феруза тошга ишлов бериш билан шуғулланишган[10,23]. Тадқиқотчилар фикрича, улар қуйи Амударё ва Орол бўйларининг туб жойли аҳолиси сак-массагет қабилалари бўлган[11,77-78].

Кўчманчи чорвадорларнинг маданиятига оид Мешекли ва Уч ўчоқ ёдгорликлари жанубий Хоразмнинг Туямўйин ҳавзаларидан ҳам топилган[12,30-40]. Бу ёдгорликлар сакларга оид қабрлар бўлган. Қабрлардан топилган инвентарлар ва камон найза учлари асосида тадқиқотчилар ёдгорликни мил.авв. VIII—V асрларга оид деб кўрсатадилар[13,38]. Мешекли ёдгорлигининг ўзига хослигини эътиборга олиб, С.Р.Баратов автохтон хусусиятга эга бўлган чорвадор аҳоли томонидан яратилган деган фикрни билдирган[14,28]. Мил.авв.VIII-V асрларда қадимги Хоразм ҳудудида Қуйисой маданияти аҳолиси билан бир вақтда Мешекли ёдгорлиги аҳолиси ҳам истеҳкомат қилган[14,36].

Қадимги Хоразмда урбанизациянинг шаклланишида икки хил йўналиш кузатилади. Биринчи йўналиш ярим ўтроқ чорвадорлар қабилаларининг ўтроқлашуви натижасида Амударёнинг чап қирғоғи ҳудудларида шаклланган Кўзалиқир маданияти, иккинчи йўналиш эса, жанубий Хоразм ва Амударёнинг ўнг соҳилида шаклланган деҳқон ва ҳунармандларнинг маданияти ҳисобланади.

Мил.авв. VII асрнинг охирлари ва VI асрнинг биринчи ярмида Кўзалиқир, Хумбузтепа, Хазорасп қалъаларининг қурилиши Хоразмда урбанистик жараёни бошлаб берган.

Чорвадор қабилаларнинг ўтроқлашиш жараёнлар Бақтрия, Суғдиёна ва Хоразмда кузатилган. Улар ўзига хос услубда қалъаларни бунёд этганлар. Чорва молларини душмандан сақлаш мақсадида бунёд этган қалъаларнинг ичида катта худудда очиқ майдон қолдирилган. Бундай ёдгорликлар Суғдда Кўктепа, Афросиёб, Шимолий Бақтрияда Қизилтепа, Хоразмда Кўзалиқирда қурилган.

Археологик тадқиқотлар мил.авв. VII-VI асрларда, яъни ахамонийлар ҳукмронлигидан олдин Амударё ҳавзаси худудларида урбанизация жараён бошлаганлиги асослайди. Бу даврда “Авесто”да тилга олинган Бақтрия, Парфия, Суғд, Марғиёна, Хоразм каби давлатлар ва уларда илк шаҳарлар шаклланган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Асқаров А. Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи. —Тошкент: Ўзбекистон, 2015.
2. Сверчков Л.М. Тохары. Древние индоевропейцы в Центральной Азии. —Ташкент: SMI-ASIA 2011.
3. Ширинов Т. Шайдуллаев Ш. Бақтрия минг шаҳарли мамлакат // Термиз: тарихий тадқиқотлар, илмий хулосалар. —Тошкент, 2001.
4. Сарианиди В.И. Древние земледельцы Афганистана. —Москва: Наука, 1977.
5. Массон В.М. Культурогенез древней Центральной Азии. —Санкт-Петербург: Санкт-Петербургский государственный университет, 2006.
6. Сагдуллаев А.С. Памятники материальной культуры Южного Согда эпохи раннего железа (некоторые итоги исследований в 1976-1986гг). // Культура юга Узбекистана в древности и средневековье). —Ташкент, 1987.
7. Лушпенко О.Н. Раннежелезный век Южного Согда (по материалам памятников Китабского и Яккабагского районов). —Самарканд, 1998.
8. Ягодин В.Н. Генезис и формирование раннехорезмийской государственности. // Хоразм в истории государственности Узбекистана. —Ташкент: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти, 2013.
9. Вайнберг Б.И. Памятники Куюсайской культуры // Кочевники на границах Хоразма. —Москва, 1979.
10. Толстов С.П. По древним дельтам Окса и Яксарта. —Москва, 1962.

12. Баратов С.Р. Новые археологические материалы к истории древнего Хорезма // Хоразм Маъмун академияси ахборотномаси. 2014. №. 4.

13. Баратов С.Р. К проблеме истоков урбанизированной культуры низовий Амударьи. // Ўзбекистон санъати дунё маданиятининг аж-ралмас қисми: тарих ва замонавийлик. Республика илмий-назарий конференцияси материаллари. –Тошкент, 2015.

14. Баратов С.Р. Некоторые проблемы археологических исследований древних культур Хорезма // Ўзбекистон тарихи. 2007. № 4.